

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ТУЗИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Деҳқон хўжалигини тузиш орқали тадбиркорликка жалб этиш. Услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 24 б.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Ташкулов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринбосари У. Муҳаммадиевнинг умумий таҳрири остида

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан фойдаланиш шартлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш бўйича қонуний тартиблар ҳақида сўз юритилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий
ахборот маркази, 2025 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Деҳқон хўжалигини ташкил этиш ва бу борадаги қонунчилик ҳужжатлари	5
Умумий қоидалар	7
Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан фойдаланиш шартлари.....	9
Деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	11
Ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш	16
Деҳқон хўжаликлари фаолияти юзасидан мониторинг қилиш	20
Деҳқон хўжалигини тугатиш (фаолиятини тугатиш) асослари.....	21
Қоидаларнинг бузилганлиги учун жавобгарлик.....	22

КИРИШ

Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш мақсадида кўплаб иқтисодий дастурлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, ҳудудларда деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун ижара ҳуқуқи асосида ер майдонлари ажратилиши аҳоли даромадларининг ошишига ва турмуш даражасини яхшилашга имкон бермоқда.

Айни пайтда янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини экишда «бир контур – бир маҳсулот» таъмоилига амал қилиш ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишга омил бўлмоқда.

Мазкур қўлланма деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишига ҳамда мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари учун хизмат қилади.

Қўлланмада деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан фойдаланиш шартлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда улар учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага беришга доир қонуний тартиблар ҳақида сўз юритилган, соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БУ БОРАДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси



Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги
тўғрисида»ги Қонуни;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024
йил 18 январдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер
участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаш-
тириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги
ПФ–15-сон Фармони.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 19 апрелдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган
ер участкаларининг электрон онлайн-аукцион савдо-
лари орқали ижарага берилиши муносабати билан Ва-
зирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз
қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 223-сон
қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 145-сон қарори.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 февралдаги "Аҳолига деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун ижара ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 62-сон қарори.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, келинмоқда. Жумладан, ҳар бир оиланинг яшаш шароитини яхшилаш бу борадаги устувор вазифалардан бирига айланган. Деҳқончилик ерлари мавжуд бўлган фуқароларга сўнгги вақтларда берилаётган қўшимча имтиёзлар ҳам шулар жумласидандир.

Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра **юримдик**



шахс ташкил этган ҳолда ҳам, **юримдик шахс ташкил этмасдан** ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши мумкин.

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), ота-онаси, фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобоси, бувиси ва набиралари, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (фарзандлари ва набираларининг эри (хотини), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эри (хотини)) деҳқон хўжалигининг аъзолари бўлиши мумкин.



Бугунги кунда амалиётда қўлланилаётган **“деҳқон хўжалиги”** ҳамда **“шахсий томорқа ер эгалари”** тушунчаларининг маънолари бир хил бўлиб, улар томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадилар.



Деҳқон хўжаликлари ҳамда шахсий томорқа эр эгаларига ҳуқуқий, агротехнология, маҳсулот сотиш йўналишларида маслаҳат бериш, тегишли ёрдам кўрсатиш масалалари билан Ўзбекистон фермерлари кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари шуғулланади.

Деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, ижара ёки мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ УЧУН БЕРИЛГАН ЕР УЧАСТКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан деҳқон хўжалигининг ихтисослашуви асосида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланилиши керак.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасидан бир вақтнинг ўзида деҳқон хўжалигининг ихтисослашувида назарда тутилмаган бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини деҳқон хўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг қатор ораларига экиш (ўтқазиш) ёки асосий ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини навбатлаб экиш йўли билан етиштириш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида бинолар ва иншоотларни, шу жумладан ер ости иншоотларини қуриш тақиқланади, бундан енгил конструкцияли иссиқхоналарни ва бошқа иморатларни, шунингдек суғориш иншоотларини қуриш мустасно.



Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бир вақтда шартли равишда **10 бошгача чорва молни** ўтлатишга йўл қўйилади.

Деҳқон хўжалиги ўз тасарруфидаги ер участкасини муҳофаза қилиши (ерлардан хўжасизларча фойдаланишга ёки уларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолишига йўл қўймаслиги), унинг маҳсулдорлигини сақлаши ва ошириши шарт.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Деҳқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкалари майдонларини уларнинг розилигисиз мақбуллаштиришга (қисқартиришга, ўзгартиришга ва бошқаларга) йўл қўйилмайди.

Деҳқон хўжалиги, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ёлиби бўлган «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган фуқароларга ер участкаси нархини беш йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асо-



сида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон ҳўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳолига деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали ижарага берилганда, мазкур шахслар юқоридаги дафтарлардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатга сақлаб қолинади.

«Ёшлар дафтари»га киритилган деҳқон ҳўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ҳамда «Аёллар дафтари» жамғармалари ҳисобидан уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари миқдоригача субсидия ажратилади.



Имтиёз ва преференцияларнинг бир йиллик амал қилиш муддати деҳқон ҳўжалигини юритиш учун ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.



Ногиронлиги бўлган шахслар деҳқон ҳўжалиги раҳбари лавозимида фаолият юритишлари мумкин.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларнинг бандлигига секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари билан биргаликда фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалиги кооперативларига жалб қилиш, шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини 0,10 гектардан 1 гектаргача белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдолари орқали 10 йилга ижарага бериш билан кўмаклашилади.

Деҳқон ҳўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига бирлашган деҳқон хўжаликлари ва агрегаторларга:

-  «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ва асбоб-ускуналарини харид қилиш, кичик ҳажмдаги совиткичли омборхоналарни қуриш учун 100 млн сўмгача кредитларни гаровсиз, 150 млн сўмгача кредитларни гаров талаби 50 фоизгача пасайтирилган ҳолда ажратиш имконияти назарда тутилади. Бунда лойиҳалар Бизнесни ривожлантириш банки ва ҳамкор банкларнинг ресурс маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;
-  деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун ижара ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонларида пакана ва ярим пакана усулда боғлар, узумзорлар, кўчатхоналар ҳамда енгил типдаги иссиқхоналарни «бир контур – бир маҳсулот» тамойили асосида ташкил этишга рухсат берилади. Бунда ушбу тартибларни жорий этиш бўйича мезон ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади ва унинг хулосаларига асосан амалга оширилади;
-  сув таъминоти оғир ҳамда лалми ерларда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативи устав фондига улуш сифатида киритиш учун ижарачиларга ҳоким ёрдамчисининг хулосасига асосан Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача субсидия ажратилади. Бунда қишлоқ хўжалиги кооперативи устав фондига киритилган маблағлар сув қудуқларини бурғилаш, насос агрегатларини сотиб олиш, электр тармоқларини тортиш ва бошқа агротехник тадбирларга йўналтирилади.
-  сув таъминоти оғир ҳудудларда катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун деҳқон хўжаликларига

белгиланган тартибда субсидиялар ажратилади. Бунда субсидия ажратиш бўйича манзилли рўйхат ҳар ярим йилда шакллантирилади ҳамда субсидиялар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари доирасида ажратилади;



битта контурда жойлашган камида учта деҳқон хўжалигига қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида битта катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга тушириш учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банкларидан кредит олишга рухсат берилади.



Сув билан таъминлаш учун насос ва қувурларни ўрнатишга қарз шартномаси асосида, нақд пул шаклида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва дала чети ер эгаларига 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада қарз ажратилади.



Бунда, берилаётган қарз маблағлари олинаётган даромаднинг 50 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.



Бундан ташқари, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан қуритиш цехи ва совиткичли омборхоналарни харид қилишга 50 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган.



Мазкур кредит қишлоқ хўжалиги корхоналарига 36 ойгача имтиёзли давр билан 84 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади.



Кредит суммасининг 60 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида ўрнатиладиган қуритиш цехи ва совиткичли омборхоналар олиниши, 40 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида уларнинг қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси олиниши белгиланади.

(<https://lex.uz/docs/6431546>)

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида томорқа ер эгаларига 3 миллион сўмгача микрокредитлар берилади ҳамда ушбу микрокредитлар ягона электрон платформа орқали ажратилади;
- бир қишлоқда истиқомат қиладиган бир нечта томорқа ер эгаси (жисмоний шахс)га бир дона вертикал суғориш қудуғини бурғилаш учун кредит ажратишга рухсат берилади;
- битта контурда жойлашган камида учта деҳқон хўжалигига қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида битта катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга тушириш учун тижорат банкларидан кредит олишга рухсат берилади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДО ОРҚАЛИ ИЖАРАГА БЕРИШ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига – деҳқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ер участкалари ижара ҳуқуқи асосида берилади.

**Бўш тур-
ган қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ер участкалари:**



деҳқон хўжалигини юритиш учун – 0,06 гектардан 1 гектаргача;



деҳқон хўжалигини юритиш учун чорва озукаси экинларини етиштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган айрим ҳудудларда – 0,06 гектардан 5 гектаргача ўлчамларда ажратилади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш тартиби фуқароларга якка тартибдаги боғдорчилик, полизчилик ва чорвачилик учун ер участкаларини ажратишга нисбатан ҳам татбиқ этилади.



Бу муҳим!

Қонунчиликка кўра, деҳқон хўжаликлари ўзига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкасини ёки шу ер участкасининг бир қисмини деҳқон хўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида, юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга.

2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари очиқ электрон танлов ўрнига **электрон онлайн аукцион савдолари** орқали ижарага бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари лотларга бўлинган контурнинг яхлитлигини таъминлаган ҳолда, **бир хил турдаги** маҳсулот экиш бўйича ер тузиш лойиҳаси билан бирга юбориладиган буюртмаларга асосан электрон онлайн-аукцион савдоларга чиқарилади.

«Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» акциядорлик жамияти онлайн-аукцион савдоларни ташкил қилиш юзасидан «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари буюртмасини олган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши тўғрисида хабарномани савдо платформасида эълон қилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари электрон онлайн аукцион савдолари орқали ўттиз йилга ижарага берилади, бунда бошланғич нарх ер участкасининг норматив қиймати миқдорида белгиланади, сотилмаган лотларнинг нархи ҳар такрорий савдода 10 фоиздан босқичма-босқич бошланғич нархнинг 20 фоизигача камайтирилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома 15 календарь кун олдин, такрорий савдода эса 5 календарь кун олдин эълон қилинади.

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун аризалар савдо платформаси орқали юборилади.

Бунда:

-  икки ёки ундан ортиқ лотлар бўйича электрон онлайн-аукцион савдода ғолиб бўлган иштирокчига фақат битта ер участкаси учун баённома расмийлаштирилади ва унга ер участкаларидан бирини танлаш имконияти берилади, қолган лотлар бўйича электрон онлайн-аукцион савдо натижалари бекор қилинади ҳамда бекор қилинган лотлар бўйича закат пули иштирокчига қайтарилади;
-  электрон онлайн-аукцион савдода бир маротаба ғолиб бўлган иштирокчига кейинги электрон онлайн-аукцион савдоларида иштирок этишга йўл қўйилмайди.

Лот бўйича таклиф этилган энг юқори ижарага олиш қийматининг дастлабки 15 фоиз миқдори 10 иш куни ичида электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби томонидан тўлангандан сўнг унга оператор томонидан бир иш куни ичида электрон онлайн-аукцион савдо натижалари тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдога иштирок этиш учун шакллантирилган закат пули миқдори қўшиб ҳисобланади ҳамда электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби томонидан «бўлиб-бўлиб тўлаш» танланган тақдирда, тўлов графигига асосан тенг тақсимланади.

Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби баённомага асосан ўн иш куни ичида ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолайди.

Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби жисмоний шахс бўлса, электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби шартнома имзолаш учун берилган ўн иш куни ичида ўзининг ягона таъсисчилигида ташкил этилган фермер хўжалиги ёки бошқа юридик шахс тўғрисидаги ахборотни ёхуд деҳқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестридан қўчирмани шахсий кабинет орқали савдо платформасига киритади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби ихтиёрий равишда деҳқон хўжалигини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириш истагини билдирган тақдирда, икки иш куни ичида деҳқон хўжалиги сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдо натижаларига доир баённомада ғолиб сифатида ушбу жисмоний шахс, ижара шартномасида эса у томонидан таъсис этилган деҳқон хўжалиги кўрсатилади.

Бу муҳим:

Агар фуқаро аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш мақсадида узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган деҳқон хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

Бунда узоқ муддатга ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар деҳқон хўжаликлари ва кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш бўйича аризаларига автоматик тарзда «Е-аукцион» платформаси орқали бириктирилади.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари деҳқон хўжаликларининг ер участкаларидан ҳамда томорқа ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шу жумладан ерларга ишлов берилишининг ҳолати, уруғлар, кўчатлар ва дарахтларнинг экилиши, иссиқхоналар қурилиши, чорва ва парранданинг кўпайтирилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда уйларни айланиб чиқиш орқали мунтазам равишда мониторингни амалга оширади.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши аъзолари бўлган фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларига тегишли ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар беришга ҳақли.



ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ТУГАТИШ (ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ) АСОСЛАРИ

Деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ тугаганда ёки ижара (иккиламчи ижара) муддати тугаганда тугатилади (фаолияти тугатилади).


Деҳқон хўжалиги тасарруфидаги ер участкасига бўлган ҳуқуқ тугатилганда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган куннинг ўзида давлат хизматлари марказига электрон хабарнома юборади. Деҳқон хўжалигининг фаолияти тугатилганлиги тўғрисида Деҳқон хўжаликларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилади.



ҚОИДАЛАРНИНГ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 66-моддасига кўра, ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш, — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур турдаги назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни жиноят ишлари бўйича судлар кўриб чиқади.



Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун
(деҳқон хўжалигини юритиш учун)
АРИЗА

(жисмоний шахснинг Ф.И.О., яшаш жойи, СТИР рақами, телефон рақами, электрон почта манзили)

(жисмоний шахснинг «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумот)

Электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан танишдим:

Лойиҳа рақами: № _____;

Лойиҳа йўналиши, майдони _____

Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидалари билан танишиб, 20__ йил «__» _____ куни соат _____ дақиқада ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб, электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидаларига ва келтирилган шартларга розилик бераман.

Ер участкасининг ижара ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тўловни ☐ бир йўла / ☐ бўлиб-бўлиб тўлайман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотўғри бўлган тақдирда, электрон онлайн-аукцион савдо натижаларини ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақида огоҳлантирилдим.

Шунингдек, электрон онлайн-аукцион савдо ёлиби деб топилган тақдиримда, менга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

Тўлдирилган сана _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ТУЗИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев*
Ш. Абдуллаев
М. Ахмедов

Тузувчилар: *Ш. Рабиев*
Б. Донаев
Ш. Ғайибназаров

Муҳаррир: *Д. Маткаримова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёрова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

е-маил: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 04.03.2024 й.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 1,5.

Нашриёт ҳисоб табоғи 1. Адади *** нусха.

-буюртма.